300409E
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 16 апрель, № 77 (4740) Пайшанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2009 йил 15 апрель куни Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан республика Ҳукуматининг шу йил 13 февралдаги мажлисида белгилаб берилган 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича биринчи чорак якунлари муҳокама қилинди ҳамда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг мамлакат иқтисодиётига таъсирини олдини олиш ва бартараф этишга йўналтирилган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишни жадаллаштириш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 7,9 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 9,9 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 12,5 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ўсиши 5,7 фоизни, хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўсиши 16,6 фоизни, қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши 12,1 фоизни ташкил қилди. Давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилиши таъминланди, инфляция даражаси прогноз параметрлардан юқори бўлмади.

Таркибий қайта ўзгартиришлар ва иқтисодиётни диверсификациялаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан янгилаш, Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг амалга оширилиши инвестицияларнинг 31,4 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 2,5 баравар кўпайишини таъминлади. Ҳисобот чорагида 54 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Наманган вилоятидаги «МРТ Текстиль» ва «Клайна текстиль», Фарғона вилоятидаги «Бешариқ текстиль», Тошкент шаҳридаги «Айтуг текстиль», Сирдарё вилоятидаги «Мили Гулистон текстиль» қўшма корхонаси тўқимачилик корхоналари, Қашқадарё вилоятидаги «Китоб оқила сут» сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонаси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашни кучайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар, шу жумладан, солиқ юкининг янада камайтирилиши, текширишлар сонининг кескин қисқартирилиши ва имтиёзли кредит беришнинг кенгайтирилиши кичик бизнес ва хизматлар соҳасини янада ривожлантиришни таъминламоқда. Ҳисобот чорагида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ўтган йилнинг тегишли давридаги 35,1 фоиз ўрнига 36,2 фоизгача ва хизматлар соҳасининг улуши 44,4 фоиз ўрнига 45,5 фоизгача кўпайди.

Ривожланишнинг энг муҳим мақсадли комплекс дастурлари ва Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилиши 208,6 мингта янги иш ўрни ташкил этиш имконини берди.

Мажлисда Инқирозга қарши чоралар дастури амалга оширилиши, шу жумладан, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотлари таннархини пасайтириш ва шу асосда уларнинг экспорт ҳажмини кенгайтириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди. Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга, банк кредитлари бўйича, истеъмол қилинган электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар учун қарздорликни кечиктириш шаклида экспорт қилувчи корхоналарни бюджет орқали ва кредит бериш йўли билан қўллаб-қувватланганлиги қайд этилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлар экспорти ҳажми 6,1 фоизга ўсди, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди.

Шу билан бирга, «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзқурилишматериаллари» компаниялари, «Ўзфармсаноат» концерни, қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги раҳбарларига янги бозорларга чиқиш, маҳсулотнинг рақобатбардошлилигини ошириш ва корхоналарда маркетинг ишларини кучайтириш ҳисобига маҳсулот экспортини кўпайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Мажлисда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим инвестиция лойиҳаларини жадал амалга ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини танқидий таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Ишлаб

(Давоми 2-бетда).

ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари томонидан таълим тизимини ислоҳ қилишга беқиёс эътибор билан қаралаётгани бежиз эмас. Ёшлар — Ватан келажаги, улар бизнинг умид ва ишончимиз. Ёшлар етук кадрлар бўлиб етишсагина, Ватан тараққиёти таъминланади. Таълим-тарбияга эътибор ана шундай муҳим зарурат ва эҳтиёж эди. Бу зарурат нақадар долзарб эканлиги Президентимизнинг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги Фармони ва унинг ижросини таъминлашга оид Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида алоҳида қайд этилди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Юртимиз аҳолисининг 45 фоиздан ортиғини 18 ёшга тўлмаган ўсмирлар ва болалар ташкил этади. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг бевосита раҳнамолигида ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни мустақилликнинг илк даврларидаёқ мамлакатимизда таълимни ривожлантириш стратегиясини белгилаб берди.

Таққос ва таҳлил

Ушбу рақамларга эътибор қаратинг: **2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида жами 6544 та умумтаълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, жумладан, 275 та янги мактаб биноси барпо этилди. 1757 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 2866 таси капитал, 1646 та мактаб эса жорий таъмирланди. Бу ишларга Мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан жами 962,7 млрд. сўм маблағ сарфланди. Эътиборлиси шундаки, фойдаланишга топширилган 6544 та таълим муассасасидан 5284 таси (80,7 фоиз) қишлоқларда, 198 таси (3,1 фоиз) бориш қийин бўлган тоғли ҳудудларда, қолган 1062 таси (16,2 фоиз) эса шаҳарларда барпо этилди.**

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ТАЖРИБАСИ ТЕРАН ЎРГАНИЛИШГА МУНОСИБ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг янги «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари хорижий мамлакатлар эксперт-таҳлилий ва илмий-тадқиқот доираларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Хитой ижтимоий фанлар академияси (ИФА)нинг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти Ўзбекистоннинг жаҳон молиявий инқирози таъсирини камайтириш борасидаги тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш мақсадида Президент Ислом Каримовнинг асарини хитой тилига таржима қилиб, нашрдан чиқарди.

Ушбу муносабат билан **ХХР ИФАнинг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори Син Гуанчэн** асар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирар экан, ислоҳотлар ва ривожланишнинг ўзбек модели Ўзбекистоннинг узоқ ва давомли миллий манфаатлар ҳамда мақсадларини ўзида мужассам этганини таъкидлади. Ўзбекистон маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтишда тадрижий ёндашувни танлади. Ўзбекистоннинг «шок терапияси» усулини рад этгани мамлакат ҳукуматининг оқилона қарори бўлганлигига бугун бир қанча мисоллар келтириш мумкин. Ислоҳотларни секин-асталик билан ва босқичма-босқич амалга ошириш модели мамлакат иқтисодиётини тиклашга хизмат қилди. Президент Ислом Каримовнинг «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» тамойили таянч хусусиятига эга бўлиб, ҳозиргача амал қилиб келмоқда. Истиқлолнинг илк даврида давлатнинг бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олишига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Президенти жаҳон молиявий инқирози даври ва ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, унинг тарқалиши сабабларини аниқ таҳлил этади, шунингдек, инқирознинг халқаро ҳамжамиятнинг ажралмас таркибий қисми бўлган Ўзбекистонга таъсири мамлакат иқтисодиётининг самарадорлиги ва ривожланишида ўз аксини топишини айтиб ўтади.

Биз ва жаҳон

Ўйлайманки, Ўзбекистон Президенти томонидан белгиланган иқтисодий ислоҳотларни ўзига хос модель асосида амалга оширишга йўналтирилган беш тамойил мамлакатнинг молиявий-иқтисодий инқирозни бартараф этишида муҳим аҳамият касб этади ва ҳаётий кучга эга. Ўзбекистон раҳбари инқирозга қарши бир қатор дадил тадбирларни, хусусан, саноатни модернизация қилиш, технологик янгилаш ва инновацион технологиялар масалаларини ўртага ташлайди. Шунингдек, Ислом Каримов 2009 йилда жаҳон молиявий инқирозини бартараф этиш ва навбатдаги ривожланиш босқичига ўтиш бўйича 6 та устувор вазифаларни белгилаб қўйди.

ХХР ИФА ҳузуридаги ШҲТ тадқиқот маркази бош котиби Сунь Чжуанчжи Президент Ислом Каримов ўз китобида жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирини ҳар томонлама ва холис таҳлил этганини қайд этди. Мамлакатда молиявий инқироз туфайли юзага келадиган қийинчиликларни енгишга қаратилган тадбирлар дастури аллақачон қабул қилинган. Асосий эътибор макроиқтисодиётни барқарорлаштириш ва аҳоли турмушининг фаровонлигини таъминлашга қаратилмоқда. Ўзбекистон раҳбари мамлакат ва халқ олдида бир қатор жиддий синовлар юзага келгани, уларни бартараф этиш учун барча восита ва куч-қудратни сарфлаш зарур эканлигини таъкидлади.

Иқтисодий ривожланишнинг муҳим босқичида, мислсиз тўсиқлар шароитида Президент Ислом Каримов Ўзбекистоннинг мавжуд ҳолатидан келиб чиқиб ва мамлакатнинг барча имкониятларини тўла ишга солган ҳолда, ўзбек халқига нафақат инқирозни бартараф этишга қодир эканлигига ишонч бахш этадиган, балки бошқа давлатларга намуна ҳам бўла оладиган устувор вазифаларни белгилади. Ўзбекистоннинг ривожланиш тажрибаси ва Ислом Каримовнинг ғоялари чуқур ўрганилишга муносиб.

ХХР илмий ривожланиш давлат кенгаши тадқиқот маркази қошидаги Европа ва Осиёнинг ижтимоий ривожланиши институти директори ўринбосари Чжао Чанцин ҳам Президент асари ҳақида ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Унинг фикрига кўра, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози дунёнинг ривожланган давлатлари қатори ривожланаётган мамлакатларига ҳам маълум даражада таъсир қилади. Турли давлатлар инқирозни бартараф этиш юзасидан ўзига хос бўлган, бир-бирига ўхшамаган чора-тадбирларни қабул қилмоқда. Дунё ҳамжамиятининг аъзоси сифатида Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас.

Чжао Чанциннинг фикрига кўра, китобда ҳам мамлакатдаги, ҳам дунёдаги вазиятга аниқ баҳо берилган ҳамда инқирозни бартараф этишнинг тўғри йўллари таклиф қилинган. Асар Ўзбекистоннинг жаҳон молиявий инқирозини енгиб ўтишдаги ишончи ва қатъиятини намоён этади.

Ўзбекистоннинг инқироз туфайли юзага келаётган қийинчиликлардан қўрқмай, айни пайтда иқтисодиётини мустаҳкамлаши ва халқ хўжалигини замонавийлаштириши алоҳида эътиборга лойиқ.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Попдаги "РАУ-Том" қўшма корхонасининг ишга тушганига эндигина бир йил бўлди. Шунга қарамай, бу ерда ишлаб чиқариш қувватлари муттасил ошириб борилмоқда.

Экспорт салмоғи ортмоқда

Дастлаб ўттиз киши билан фаолият кўрсата бошлаган корхона меҳнат жамоаси эндиликда 160 кишига етди. Ўтган йили улар кучи билан 1,2 миллиард сўмлик резина пойабзал тайёрланиб, 50 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Олтинсойликлар Обшир сойини тошқин дарёга қиёслашади. Чунки бу сой баҳор ойларида тўлиб-тошиб оқади.

Сув таъминоти яхшиланади

Яқинда ундан унумли фойдаланиш мақсадида қиймати 450 миллион сўмлик сув омбори лойиҳаси амалга оширилди. Ҳозир бу ерда баҳор суви тўпланмоқда. Келгусида мазкур сув омбори Обширга туташ 5 та қишлоқдаги 2 минг гектар экинзорни обиҳаёт билан таъминлайди.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўтган йили Жиззах вилоятидаги 27 фермер хўжалиги асаларичилик билан шуғулланиб, 200 тоннадан зиёд маҳсулот етиштирганди.

Шифобахш неъмат

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида вилоятда яна 11 та фермер асал етиштиришни йўлга қўйди. Биргина кўп тармоқли "Зомин асали" фирмасида йилига 70-80 тонна шифобахш неъмат тайёрланмоқда. Янги асаларичилик хўжаликлари ташкил этилиши муносабати билан жойларда ўнлаб иш ўринлари яратилди.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Боғот туманидаги "Боғоттексервис" хусусий корхонасига тўқимачилик саноатида ишлатиладиган қоғоз конус ишлаб чиқариш ускуналари келтирилди.

Импорт ўрнини босади

Ушбу лойиҳани амалга оширишда "Микрокредитбанк" вилоят филиали томонидан ажратилган 14 миллион сўмлик маблағ қўл келди.

Табиийки, бу ерда қоғоз конус ишлаб чиқарила бошлангач, уни хориждан келтиришга ҳожат қолмайди.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Мақсад — фаровонлик ва ободлик

2009 йил март-октябрь ойларида республикамизда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида йилига **81,1** миллион дона ғишт ишлаб чиқарадиган заводлар қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Ёқилғининг муқобил турлари билан ишлайдиган мазкур корхоналар туфайли қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратилади, транспорт харажатларини камайтириш ҳисобига қурилиш ҳом ашёсининг таннархи арзонлаштирилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

чиқаришни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашнинг қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни жадаллаштириш, шунингдек, ушбу мақсадлар учун жалб этилаётган инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналарнинг раҳбарлари олдига тармоқлар ва корхоналарни инновация жиҳатдан ривожлантиришни таъминлашга, стратегик инвестиция лойиҳалари ва техник жиҳатдан модернизация қилиш лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ҳамда экспертизадан ўтказилишини мувофиқлаштиришни кучайтиришга йўналтирилган тизимли ишларни ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Мажлисда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, улар билан ички истеъмол бозорини тўлдириш, шу жумладан, буни маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ва чуқурлаштириш орқали таъминлаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши батафсил муҳокама қилинди. Мамлакат Президентининг қарорлари билан мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига берилган солиқ ва божхона имтиёзларининг кенг рўйхати, шунингдек, мазкур қарорларда уларга имтиёзли кредит беришни кескин оширишга доир белгиланган чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва ички бозорни улар билан тўлдириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиши қайд этилди.

Хўжалик бирлашмалари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раҳбарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари олдига озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг мақсадли параметрлари бажарилишини, шунингдек, уларни аҳолига узлуксиз етказиб берилишини сўзсиз таъминлашга йўналтирилган аниқ вазифалар қўйилди.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш, ободонлаштириш ишларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни, шунингдек, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар Ҳукумат мажлиси иштирокчиларининг диққат-эътиборида бўлди. Ҳисобот чорагида 249,1 км. газ ва 237,7 км. сув қувурлари тармоқлари, шу жумладан, қишлоқ жойларда 220,6 км. газ ва 202,9 км. сув қувури тармоқлари ишга туширилди, 1441,8 минг кв.м уй-жой, шундан қишлоқ жойларда 1219,8 минг кв.м якка тартибдаги уй-жой қурилди. Йўллар қуриш, қишлоқни янада ривожлантириш ва ободонлаштиришнинг ресурс, институционал ва ташкилий базасини яратиш юзасидан кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Мажлисда компаниялар, уюшмалар ва республиканинг ҳудудлари бўйича дебитор ва кредитор қарздорликнинг ҳолати, шунингдек, муддати ўтган қарздорликни қисқартириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги танқидий кўриб чиқилди ва таҳлил қилинди. Истеъмолчиларга етказиб берилган ресурслар учун муддати ўтган қарздорликни, шунингдек, электр энергияси ва газнинг техник ва тижорат жиҳатдан исроф бўлишини камайтириш бўйича етарлича иш олиб борилмаётганлиги учун «Ўзбекэнерго», «Ўзтрансгаз» компаниялари, бир қатор вилоятларнинг ҳокимликлари фаолияти танқид қилинди.

Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзтрансгаз» ва «Ўзбекэнерго» компанияларига Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ва Марказий банк билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергияси, табиий газ ва кўрсатилган коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш топширилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича республика вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар, тижорат банклари ва вилоятлар ҳокимликларининг раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Ҳукуматининг мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ТАЖРИБАСИ ТЕРАН ЎРГАНИЛИШГА МУНОСИБ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ислом Каримов иқтисодчи мутахассис сифатида бугунги инқирознинг ҳақиқий сабабларини кўра олади ва унинг таъсирини бартараф этиш бўйича амалий таклифларни беради. Хусусан, унинг йирик корхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш, инфратузилмалар барпо этишга сарфланадиган маблағлар ҳажмини ошириш, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш тизимларини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи савдо билан шуғулланадиган ташкилотларнинг хўжалик юритиш шароитларини яхшилаш каби таклифлари таҳсинга сазовор.

Ўзбекистоннинг бой тарихи, меҳнатсевар халқи бор. Президент Ислом Каримов асаридан илҳомланиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон жаҳон молиявий инқирозининг қийинчиликларига дош бера олади ва мамлакат халқининг тиришқоқлик билан қилган меҳнати эвазига инқироздан кейин халқаро майдонда янгича кўринишда гавдаланади. Ўзбекистон ишончга, жасоратга ва тўсиқларга қарши амалий чораларга таянган ҳолда тараққиётга эришади.

Калькутта шаҳар савдо-саноат палатасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда Ғарбий Бенгалия штатининг ижтимоий-сиёсий, академик, ишбилармон доиралари, хорижий давлатлар дипломатия миссиялари вакиллари, маҳаллий ва миллий оммавий ахборот воситалари журналистлари иштирок этишди.

Учрашув қатнашчилари Ўзбекистон Президенти асарини юқори баҳолашди. Жумладан, **Калькутта шаҳри савдо-саноат палатаси президенти Апунам Шоҳ** иқтисодиётни босқичма-босқич ислоҳ қилиш ва уни диверсификациялашга асосланган ривожланишнинг ўзбек модели кўплаб мамлакатларга салбий таъсир кўрсатаётган жаҳон молиявий инқирози шароитида ўзини оқлаганини таъкидлади.

— Президент Ислом Каримовнинг китоби Ўзбекистон раҳбарининг дунё молиявий-иқтисодий соҳасида кечаётган мураккаб жараёнларнинг моҳиятини теран ва ҳар томонлама ҳис қилишини кўрсатади, — дейди А. Шоҳ. — Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг сўнгги йилларда эришилган юқори суръатларини сақлаб қолиш учун барча зарур чоралар қабул қилинмоқда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги тадбирлар давом этмоқда. Ўзбекистон Президентининг китоби фавқулодда ибратли асардир ва мен ўйлайманки, унда кўрсатилган инқирозни бартараф этиш бўйича чораларни Ҳиндистон шароитида ҳам қўллаш мумкин ва лозим.

Тақдимотда иштирок этган **Миср араб давлатининг Ҳиндистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Хигазий** ҳам ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

— Ўзбекистон эришган иқтисодий муваффақиятлар менда катта қизиқиш уйғотди. Ўз вақтида амалга оширилган чора-тадбирлар эвазига мамлакат иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини сақлаб келмоқда. Президент Ислом Каримов асарида Ўзбекистон раҳбарининг ўз халқи ва мамлакати тақдири учун нақадар жонкуяр эканлиги ўз аксини топган. Бу эса одамларда ўзига ишонч пайдо қилади, ўз оиласи ва мамлакатининг гуллаб-яшнаши, фаровонлигини ошириш мақсадидаги меҳнатининг янада унумдор бўлишига илҳом бахш этади, — дейди Муҳаммад Хигазий.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг янги «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарининг тақдимоти Кувайт давлатининг «Gulf University» олий ўқув юртида ҳам бўлиб ўтди.

Жаҳон молиявий инқирози ва унинг Кувайт иқтисодиётига таъсири турли доираларда қизғин баҳсларга сабаб бўлмоқда. Бу эса Кувайтнинг барча фуқароларини ташвишга солмоқда. Ҳозирги кунда мамлакат бўйлаб инқирозга бағишланган форумлар, анжуман ва мутахассислар билан турли хил учрашувлар ўтказилмоқда. Ушбу тадбирлар сирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг янги китоби катта қизиқиш уйғотди.

Тақдимотда иштирок этган сиёсатшунослар, иқтисодиёт, молия соҳаси олимлари ва талабалар асарнинг моҳияти билан танишдилар ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Санъат ва фан факультетининг оммавий коммуникация департаменти раҳбари, сиёсатшунослик фанлари доктори Масъуд Асад китобнинг айни ўз вақтида чоп этилганлигини алоҳида таъкидлади. Унинг фикрига кўра, асар нафақат мутахассисларга, балки оддий китобхонларга ҳам мамлакатда 17 йиллик мустақил тараққиёт даврида амалга оширилган кенг кўламли ишлар ҳақида маълумот бериши билан қизиқарли.

— Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан танланган, биринчи галда, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш, кучли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини амалга ошириш учун дастлабки шароитларни шакллантириш, барча соҳаларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш йўли ўзининг ҳаётийлигини намоён этгани ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Мамлакат раҳбарининг бошқалар юрган йўлдан бормай, ўз йўлини танлаши муҳим аҳамият касб этади. У "шок терапияси" ва иқтисодиётнинг ҳамда ўз фуқароларининг ҳонавайрон бўлиши йўлини танламади, уларни тақдир ҳукмига ташлаб қўймади. Биз бундай вазиятларда баъзи давлатлар қандай аҳволга тушиб қолганликларини яхши биламиз. Ҳозирга келиб уларда на тараққиёт ва на барқарорлик сезилмоқда.

Эътиборга лойиқ жиҳатлардан яна бири мамлакатда белгиланган барча режаларни муваффақият билан ҳаётга татбиқ этиш учун мустаҳкам қонунчилик базасининг яратилгани ва иқтисодий тараққиёт жараёнининг давлат томонидан тартибга солинишидир.

Дунёда содир бўлаётган ҳозирги аҳвол, шу жумладан, кечаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз Ўзбекистон раҳбарининг бу борада олиб бораётган ички сиёсати тўғри эканлигини кўрсатди.

Кувайт ишбилармон доирасининг таниқли вакили Муҳсин Абд ал-Раҳмоннинг таъкидлашича, «биргина Ёшлар йили доирасида ва инқирозолди даврда кенг кўламли лойиҳаларнинг амалга оширилиши мамлакат ички сиёсатида ижтимоий секторнинг устуворлиги, Президентнинг молия ва иқтисод соҳасида улкан тажрибага эга ҳамда вазиятни таҳлил қилиш ва мураккаб ҳолатдан чиқиш йўлларини топиш қобилиятлари эгаси эканлигидан далолатдир.

Ўзбекистонда инқирозга қарши чоралар дастурининг ишлаб чиқилиши мамлакат раҳбарияти иқтисодий ва молиявий сиёсатининг мантиқий давоми бўлиб, келгусида амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни ифодалайди. Дастурни, моҳиятига кўра, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози гирдобига тушиб қолган бошқа мамлакатлар иқтисодиётига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида оқилона ва ҳар томонлама ўйланган сиёсат олиб борилиши ҳамда қабул қилинган мақсадли чоралар натижасида Ўзбекистон инқирозни ва унинг оқибатларини бартараф этишига ҳеч қандай шубҳа йўқ».

«Жаҳон» АА.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА

Фарғона шаҳрида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари шаҳар ва туман ҳокимлари ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталари раисларининг ўқув семинари бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда хотин-қизлар фаоллигини оширишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг муаммоларини ҳал этишда ёрдамлашиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Фарғона водийси вилоятларида ҳам сезиларли ишлар олиб борилаётир.

Тадбирда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси, юртимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Г. Маъруфова, Фарғона политехника институти ректори Р. Тожиев ва бошқалар давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ўрни кучайиб бораётганини алоҳида таъкидладилар.

Ўқув семинарда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, уларни ҳаётимизга янада изчил татбиқ этиш борасидаги муҳим вазифалар атрофлича муҳокама қилинди. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, тадбиркор аёлларга кўмаклашиш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш бўйича келгусидаги вазифалар белгиланди.

Ўқув семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова сўзга чиқди.

М. СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ КЕНГАЯДИ

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида корхоналар фаолияти тобора яхшиланиб, уларда ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотлар нафақат ички бозорни тўлдирмоқда, балки хорижга ҳам экспорт қилинмоқда.

Жараён

Ўтган йили Самарқанд шаҳридаги "Сам-Анти-гилам" Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси томонидан тайёрланган турли бичим ва безакдаги гиламларнинг ўттиз фоизи четга чиқарилгани фикримизнинг далилидир.

Корхонага 4 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиши маҳсулот турларини кўпайтириш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш имкониятини берди. Айни кунларда жамоа янги маҳсулот намуналарини яратиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга ҳаракат қилмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг моҳир ишчиси Зарнигор Ҳакимова.

Б. АКРАМОВ олган сурат.

Мавсум

Юртимизда фермерлик ҳаракати ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, улар фаолиятининг такомиллашуви учун зарур шарт-шароитлар яратилаётгани, жумладан, қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминланаётгани муваффақиятлар омили бўлмоқда.

ТЕХНИКА — ДЕҲҚОНГА МАДАД

"Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" ҳиссадорлик жамиятининг Сурхондарё вилояти филиали раиси ўринбосари Абдумурод Холиёровнинг айтишича, 2008 йили вилоят фермер хўжаликлари томонидан лизинг асосида жами 338 та турли русумдаги техника воситалари сотиб олинди.

— Бу йил, — дейди у, — лизингга харид қилинган йирик техника воситалари учун тўлов муддати узайтирилди. Эндиликда фермер техника қийматининг 25 фоизини олдиндан тўлайди, холос. Қолганини қишлоқ хўжалик техникасини лизинг асосида сотиб олиш бўйича махсус ташкил этилган республика жамғармаси ажратади. Лизинг шартларига кўра, бу маблағни қоплаш учун фермер 10 йил давомида ҳар олти ойда бир марта тўловни амалга ошириб борса, бас. Кичик техника ва агрегатлар учун тўлов муддати 2 йил этиб белгиланган ҳам айни муддао бўлди.

— Жорий йилда фермер хўжаликлари жами 1806 та техника ва агрегат харид қилиши мўлжалланган бўлса, шундан 868 таси лизинг асосида олинади, — дейди вилоят ҳокимлигининг қишлоқ ва сув хўжалиги мажмуаси котибияти раҳбари Шуҳрат Хўжанов. — Қолгани тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар ҳисобига молиялаштирилади. Натижада фермер хўжаликларининг чопиқ тракторлари, культиваторлар, чигит экиш сеялкалари, омоч, дори пуркагич мосламалари, юқори унумли комбайн ва бошқа техникаларга бўлган эҳтиёжи тўла таъминланади. Эътиборлиси, бу техникаларнинг барчаси ўзимизда, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган.

Вилоятда мавжуд қишлоқ хўжалиги техникалари баҳорги экин-тикин мавсумига барвақт шайлаб қўйилган эди. Бунга МТП ва ММТПлар қошидаги устахоналарда иш икки сменада ташкил этилиб, улар керакли эҳтиёт қисмлар билан тўлиқ таъминлангани туфайли эришилди. Пировардида, таъмирлаш устахоналарида 350 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрланди. Бундан ташқари, юқори унумли дон ўриш комбайнларини таъмирлаш учун 1,7 миллиард сўмликдан зиёд эҳтиёт қисмлар келтирилди.

Мавсумда техникаларнинг бир маромда ишлашини таъминлаш мақсадида вилоятда юзга яқин кўчма устахоналар ташкил этилиб, уларга зарур эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуналар ажратилди. Шунингдек, Денов, Сариосиё, Узун, Шўрчи ва Қумқўрғон туманларида 14 та махсус дўкон очилиб, эҳтиёт қисмлар ва мойлаш материаллари билан таъминлангани ҳам самарадорликни анча оширмоқда.

Гулбаҳор ТАНГИРОВА,
Ўз мухбиримиз.

Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, қишлоқ иқтисодиётда ва ижтимоий турмушда, бинобарин, сиёсатда ҳам шундай бир бўғинки, шу бўғин орқали бутун республика фаровонлик ва тўкин-сочинликка эришади. Негаки, халқимиз турмуш даражаси қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзини яхшилаш, айниқса, ёшларнинг даромадини ошириш билан бевосита боғлиқ.

МАЪМУРЧИЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Табиийки, бунда мамлакат аҳолисининг ижтимоий ҳимояси ва бандлиги, айниқса, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар ана шу мақсадга қаратилган бўлиб, унинг ҳуқуқий асослари яратилган. Бу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси ҳамда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва янги таҳрирда қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунлардан иборат.

Бундан ташқари, Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари мавжудки, улар аҳолининг иш билан бандлиги ҳамда фаровонлигини оширишга оид муносабатларни тартибга солиб келмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси соҳага оид бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилган, улар ҳам ҳаётимизда салмоқли ўринга эга.

Президентимизнинг шу йил 26 январда қабул қилинган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури тўғрисида»ги қарори шу йўналишдаги энг муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Ушбу ҳужжат қатор чора-тадбирлар билан бирга қишлоқ аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш, айниқса, ёшларнинг таълим олиши ҳамда кадрлар тайёрлаш масалаларини қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир.

Дастурнинг учинчи бўлимида жорий йилда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш ва натижада 140 мингга яқин иш ўринлари ташкил этиш кўзда тутилган. Саккизинчи бўлимда эса қишлоқда саноатни янада ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган ихчам корхоналарни ташкил этиш, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини кўтариш, аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш кўзда тутилган.

Шу ўринда дастурда белгиланган вазифалар хусусида кенгроқ тўхталиш мақсадга мувофиқ. Аввало, унда қишлоқ жойларда чорвачилик, паррандачилик ва иссиқхона хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш, тикувчилик буюмлари, мебель, қандолатчилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, маҳаллий хом ашёдан қурилиш материаллари тайёрлашни кенгайтириш ҳисобига камида 65 мингта янги иш ўрнини ташкил этиш кўзланган. Табиийки, шу асосда пудрат шартномаси имтиёзли кредити ҳисобига қишлоқ туманларидаги камида 50 тадан кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол берилади. Айни пайтда кам таъминланган оилаларнинг 10 минг нафар аъзоси "Уста-шогирд" усулида ҳунармандчилик сирларини ўрганади. Шунингдек, кичик корхоналар ва микрофирмалар, фермер хўжаликлари, иссиқхона хўжаликларини ва якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 110 мингта янги иш ўрни ташкил этилади. Шу билан бирга, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш мақсадида қишлоқ туманлари ва вилоят марказларида бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилади. Натижада касб-ҳунар коллежлари билан йирик ва кичик корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлиги таъминланади.

Дастурда қишлоқ ёшларини янги иш ўринлари билан таъминлаш механизмлари ҳам кўрсатилган. Асосий механизм сифатида қишлоқдаги ишлаб чиқаришни технологик ва сифат жиҳатидан янгилаш, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатишни ривожлантириш назарда тутилган. Ушбу механизмлар муваффақиятини бир қатор талаблар асосида таъминлаш мумкин бўлади. Бу, аввало, қишлоқ жойларида долзарб гиронларни ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Бундан ташқари, дастур доирасида ҳомийлик маблағи ва Бандликка кўмаклашиш жамғарма самарали ҳисобланган ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш турларини комплекс равишда қамраб олишдан иборат. Ўз навбатида, қишлоқ аҳолисининг ушбу жараёндаги иштирокини тўлиқ таъминлаш талаб этилади.

Албатта, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш масаласи фақатгина янги иш жойларини ташкил этиш билан ҳал бўлмайди. Аксинча, бу масалада мавжуд корхоналар фаолиятини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, кўп болали оилалар, аёллар, меҳнатга қобилияти чекланган, қарамоғида вояга етмаганлар ёки қариялар мавжуд оила бошлиқларига бўлган эътиборни кучайтириш талаб этилади. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан шуғулланаётган кишиларнинг даромадини ошириш мақсадида маҳаллий дастурларни қайта кўриб чиқиш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳам ушбу Дастурнинг ижтимоий мақсадларидан ҳисобланади.

Қисқаси, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва даромадини оширишга қаратилган ушбу Дастур ижроси нафақат кўзда тутилган мақсадларга, балки бошқа қатор ижобий натижаларга эришиш имконини ҳам беради. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқларимиз фаровонлигини таъминлаб, мамлакат тараққиётини янада юксалтиришга олиб келади.

А. ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Қароқчилар ниятига етолмади

Сўнгги кунларда сомалилик қароқчилар анча фаоллашган. Жумладан, улар бу гал АҚШнинг инсонпарварлик юклари ортилган «Либерти Сан» кемасига ҳужум уюштирган, дейилади "Си-Эн-Эн" телеканали хабарида.



Бироқ НАТО ҳарбий кемаларининг ўз вақтида ёрдамга етиб келиши боис босқинчилар мақсадларига эриша олмаган. Таъкидлаш жоиз, бу сомалилик жиноятчилар сўнгги бир кечакундуз давомида ҳужум уюштирган учинчи кема ҳисобланади. Сал аввалроқ улар Ливаннинг «Си Хорс» ҳамда Грециянинг «Ирене Э.М.» деб номланган кемаларини қўлга олишга муваффақ бўлгандилар.

Маълумки, 2008 йилнинг июнь ойида БМТ Хавфсизлик Кенгаши хорижий давлатлар ҳарбий кемаларининг Сомали ҳудудидаги денгиз қароқчиларига қарши курашишига имкон берувчи резолюция қабул қилган эди. Шундан сўнг Аден кўрфазига АҚШ, Россия, Франция, Испания, Канада, Ҳиндистон, Жанубий Корея ва бошқа бир қатор давлатлар ўз ҳарбий кемаларини жўнатишганди.

Кредит ажратилишини сўради

Жаҳонда кузатилаётган иқтисодий инқироз таъсирида қолиб кетмаслик учун дунё давлатлари зарур чора-тадбирларни кўришмоқда.

Жумладан, Польша ҳукумати ўз иқтисодиётини мустаҳкамлаш мақсадида Халқаро валюта жамғармасига 20 миллиард АҚШ доллари миқдорида кредит ажратишини сўраб, мурожаат қилди. Мамлакат молия вазири Ян Ростовскининг билдиришича, бу маблағлар асосан валюта захирасини ошириш ҳамда олибсотарликка қарши курашишга йўналтирилади.

2008 йил якунларига кўра, Польшада ялпи ички маҳсулот ҳажми 4,8 фоизга ўсган. Бу Шарқий Европа давлатлари орасида энг ижобий ҳолат ҳисобланади.

Тартибсизликлар бартараф этилди

Таиланд суди мамлакат мухолифатчиларининг 14 нафар етакчисини ҳибсга олишга санкция берди.

"Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, улар орасида Таиланднинг собиқ бош вазири Таксин Чинават ҳам бор. Айни пайтда полиция ҳукуматга қарши оммавий тартибсизликларга бошқош бўлган уч фуқаро — Веера Мусикапонг, Венг Точиракарн ва Наттавут Сайкурни қўлга олган.

Ҳозирда мамлакатдаги тартибсизликлар бартараф этилган. Бош вазир Апхисит Ветчачива ҳукумат вазиятни ўз назоратига олганини маълум қилди.

Баҳорда қор

Эронга кутилмаганда яна қиш қайтиб келди. Гап шундаки, баҳор фасли аллақачон ҳукмронлик қилаётган айни кунларда мамлакатнинг шимолий ва шимоли-ғарбий ҳудудларига қор ёғди.

Ҳавонинг кескин совиб кетгани боис мактабларда-ги дарслар вақтинча тўхатилди. Қор уюмларини тозалаш учун зарур техника воситалари сафарбар қилинган. Синоптиклар бундай об-ҳаво яна бир неча кун сақланиб туришини маълум қилишган. Кўчалар қаттиқ музлагани боис шахсий автомобиллардан фойдаланмаслик тавсия қилинмоқда.

Қоринда қолган металл

Россиянинг Нальчик шаҳридаги Республика клиник шифохонаси ходимлари бемор аёл қорнидан узунлиги 20 сантиметр, оғирлиги 300 граммга тенг бўлган жарроҳлик асбобини топиб олишди.



Оммавий ахборот воситалари хабарига кўра, бемор қорнидаги металл жисм ўтган йилнинг декабрида Москва шаҳрида ўтказилган операцияда унутиб қолдирилган экан. Шу боис 45 ёшли бемор кучли оғриқ туфайли шифокорларга бир неча бор мурожаат қилган. Бироқ, тиббиётчилар оғриқ "сири"ни аниқлай олишмаган.

Айни дамда беморнинг аҳволи яхши. У хатоликка йўл қўйган шифокорлар устидан прокуратурага мурожаат қилгани айтилмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу рақамларни келтиришимиз бежиз эмас. Гап шундаки, бугунги шиддат билан ўзгараётган замонда ҳар бир давлатда ҳам ёшларга, уларнинг билим олиши ва келажагига бўлган муносабат ижобий эмас. Қай бир мамлакатда ишсизлик авж олиб, бошқа бирида тинчлик деган улуғ неъматга завол етмоқда. Бундай жой аҳолиси фарзандининг келажаги ҳақида эмас, аввало, уйида тинч ётиб туришни ўйлайди. Доно халқимизда: "Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил", деган нақл бор. Айрим мамлакатларда рўй бераётган бу каби турли-туман воқеалар эса бизни шукрона билан яшашга ундайди.

Зеро, юртимиз мустақилликни қўлга киритганига 18 йил бўлаяпти. Ҳаётимиздаги ижобий ўзгаришлар, кун сайин кўзимизни қувонтираётган ён-атрофдаги янгиланишлар ҳақида ҳаммамиз фахрланиб гапиришни яхши кўрамиз. Айниқса, буюк келажак қуришда мактабларимизга кўрсатилаётган юксак эътибор ҳар бир ўзбекистонликни ғурурлантирмоқда. Бунинг боиси бор. Фарзандлари камолини юртнинг ёрқин келажагидан айрича тасаввур қилолмайдиган кишидагина мана шундай ғурур, ифтихор бўлади.

Кўз олдимиздан кетгани йўқ: илгари чекка қишлоқларимиздаги мактаб бинолари кўримсиз ва қаровсиз, пол қилинмаган бўларди. Айрим тоғли қишлоқларимизда истиқлол арафасида ҳам болалар ерда ўтириб сабоқ олишган. Энди эса манзара ҳам, тасаввур ҳам тамоман ўзгача: фарзандларимиз энг кўркам ва замонавий услубдаги биноларда, ёруғ ва шинам синфхоналарда ўқияптилар. Буларнинг барчаси истиқлол аталмиш қутлуғ неъмат ва Президентимизнинг ғамхўрлиги шарофатидандир, албатта!



Умуман олганда, бундай замонавий мактаблар — таълимга қаратилаётган юксак эътибор самараси. Зеро, ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик келажак пойдеворини мустаҳкамлаш учун асосий омил бўлиб хизмат қилади. Баъзан фалончи давлатда шароит бунақа, дея тамшаниб айтилган фикрларни ҳам эшитиб қоламиз. Майли, яхши бўлса бордир. Аммо шу билан бирга, ўзимиздаги оламшумул янгиланишларни сезмаслик ёки била туриб билмасликка олиш ношукурликдан бошқа нарса эмас.

— Умуммиллий дастур туфайли ҳеч бир мактаб эътибордан четда қолмаяпти, — дейди Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Исломиддин Анорбоев. — Эски мактаблар таъмирланаяпти, ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланаяпти, айрим ҳудудларда эса янги мактаблар қад ростлаяпти. Жумладан, ўтган йилларда 107 та умумтаълим мактаби, хусусан, 4 та янги қурилиш, 47 та капитал реконструкция, 54 та капитал ва 2 та мактабни жорий таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, мазкур юмушларнинг барчаси ниҳоясига етказилди. Бу 40798 нафар ўқувчининг замонавий таълим олиши учун имконият яратилди, деганидир. Ушбу мақсадлар учун 19,85 миллиард сўм маблағ сарфланди. Биргина 2008 йилда эса вилоятимиз бўйича жами 123 та ўқув масканида бунёдкорлик ишлари олиб борилди.

Энг муҳими, амалга оширилаётган бундай улкан ислоҳотлар халқимизни бефарқ қолдиргани йўқ. Янги мактаб очилиши муносабати билан жойларда бўлганимизда, мактабга эндигина қадам қўяётган ўқувчидек ҳаяжонланаётган устоз-мураббийларнинг сўзларидан таъсирланамиз. Зотан, улар бугун таълим соҳасида, хусусан, мактаб таълимини ривожлантириш борасида Президентимиз томонидан оламшумул ишлар амалга оширилаётганини теран тушунишади. Бу, албатта, биринчи навбатда, ўқитувчиларимиз қалбига оламолам қувонч бахш этаётганидан далолатдир.

Истиқлол туфайли нафақат мактабларимизга эътибор кучайди, шу билан бирга ўқитувчиларнинг қадри ошди, қадди кўтарилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилингач, таълимда залворли ютуқларга эришилаётганини ҳар биримиз кўриб, эшитиб, ўз ҳаётимиз мисолида англаб бораяпмиз. Бу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, келажакка интилган, кўзлари чақнаб турган, замонавий дунёқараш эгаси бўлган, хорижий тилларни пухта биладиган ёш авлод ҳаётга кириб келмоқда. Шунинг учун Президентимиз катта ғурур билан таъкидлаганларидек: "Кимки бизнинг ишимизга баҳо бермоқчи бўлса, ана шу ёшларга, уларнинг онги ва дунёқарашига боқсин!.."

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. Бу йилда қишлоқларимиздаги шарт-шароит янада яхшиланиши, кенг кўламли ижобий ўзгаришлар юз бериши табиий. Зеро, истиқлолнинг илк йиллариданоқ Президентимиз раҳнамолигида қишлоқларни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинаяпти. Бугун энг чекка қишлоқларимизда ҳам катта-кичик корхоналар, қўшма корхоналар фаолияти йўлга қўйилган. Мактаб, коллеж, лицейларнинг янги биноси эса фақатгина чирой бахш этиб қолмай, шаҳар ва қишлоқ деган тафовутга барҳам бермоқда. Ўрни келганда, ўзимиз гувоҳи бўлган манзара ҳақида тўхталсак. Дарбанд — Бойсун туманининг чекка қишлоқларидан бири. Аммо у ерга борсангиз, қишлоқ деб ўйламайсиз. Бу ердаги замонавий шарт-шароит марказдагидан асло қолишмайди. Дарбанддаги бошқа янгиланишлар бир томону у ерда қурилган янги 54-мактаб бир томон.

— 44 йил мобайнида жисмоний тарбиядан дарс берганман, — деган эди дарбандлик Юсуф ота Тоғаев. — Лекин мактаб биноси бу қадар кўркам ва файзли бўлишини хаёлимга ҳам келтирмаганман. Ўзим спортга қизиққаним учун мактабнинг залига кирдим. У ердаги шарт-шароит, спорт жиҳозларини кўриб ҳавасим келди. Ундан ташқари, қанчаданқанча жиҳозларга миллионлаб сўм маблағ сарфланган. Бундай мукаммалликни кўриб, рости, тўлқинланиб кетдим. Қанийди, ёш бўлиб қолсаму яна шундай жойларда ишласам.

Ёши саксондан ошган отахоннинг бу сўзлари замирида нафақат ҳаяжон, балки бугунги кунлардан шукроналик, шундай юрт фуқароси эканлигидан фахрланиш туйғуси мужассам.

Бундай изҳорларни тинглаб туриб, дилимиз яйрайди. Истиқлол деб аталмиш муборак неъматдан, меҳрибон халқи ва ғамхўр Юртбошиси меҳру мурувватидан куч олиб камол топаётган йигит-қизлар эса янада нурафшон келажагимиз эгаларидир. Зотан, уларнинг камоли йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётган устозларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳеч қачон унутилмайди, беиз кетмайди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Мавсумга тайёргарлик бошланди

Бу йил Қашқадарё вилоятида 25580 нафар бола ёзги соғломлаштириш ва дам олиш оромгоҳларида ҳордиқ чиқаради.

Шу кунларда вилоят ҳудудидаги 20 та болалар оромгоҳини соғломлаштириш мавсумига тайёрлаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бу йил вилоят бўйича болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этишга 2 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Улардан 16300 нафарига ижтимоий суғурта фонди, 3280 нафарига эса ҳомий ташкилотлар маблағи ҳисобидан йўлланма берилади. Вилоятдаги учта "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчиларининг ёзги дам олишини нефть-газ саноатининг йирик корхоналари оталикка олишди.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистонда БМТ Ривожланиш дастури ОИТСга қарши кураш бўйича Глобал жамғармаси лойиҳаси

ҚУРИЛИШ-ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

1. **Тендер предмети.**

Тендер № ITB/004/09.

Республика ОИТСга қарши курашиш маркази иш фаолиятини такомиллаштириш, ОИТС билан касалланган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида Республика ОИТСга қарши курашиш маркази биносида қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш кўзда тутилмоқда.

Қурилиш-таъмирлаш ишлари Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 12-уйдаги Республика ОИТСга қарши курашиш марказининг 1, 4-қаватларида олиб борилади.

2. **Тендер комиссияси органи номи ва манзили:**
Ўзбекистонда БМТ Ривожланиш дастури, ГЖ лойиҳаси,
Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 4-уй.

3. **Таклифлар бериш учун сўнгги сана** — 2009 йил 13 май Тошкент вақти билан соат 11.00 гача.

Қўшимча маълумот учун харидлар бўйича мутахассис Тимур Бузруковга мурожаат қилишингизни сўраймиз.
Телефонлар: (99871) 140-06-80 (81). Факс: (99871) 140-06-82.
E-mail: timur.buzrukov@gfaids.uz

Ташкилотлар ва хусусий тадбиркорлар диққатига!
Тижорат таклифи сўровномалари ҳамда маҳсулот ва хизматлар сотиб олиш бўйича савдолар ҳақидаги эълонлар БМТ Ривожланиш дастурининг қуйидаги электрон манзилида доимий равишда чоп этилади: http://www.undp.uz/ru/procurement/

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистонда БМТ Ривожланиш дастури ОИТСга қарши кураш бўйича Глобал жамғармаси лойиҳаси

ҚУРИЛИШ-ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

1. **Тендер предмети.**

Тендер № ITB/005/09.

Хоразм вилояти ОИТСга қарши курашиш маркази иш фаолиятини такомиллаштириш, ОИТС билан касалланган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида Хоразм вилояти ОИТСга қарши курашиш маркази объектида қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш кўзда тутилмоқда.

Қурилиш-таъмирлаш ишлари Ўзбекистон Республикаси, Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 68-«В» уйдаги Хоразм вилояти ОИТСга қарши курашиш марказида олиб борилади.

2. **Тендер комиссияси органи номи ва манзили:**
Ўзбекистонда БМТ Ривожланиш дастури, ГЖ лойиҳаси,
Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 4-уй.

3. **Таклифлар бериш учун сўнгги сана** — 2009 йил 13 май Тошкент вақти билан соат 11.00 гача.

Қўшимча маълумот учун харидлар бўйича мутахассис Тимур Бузруковга мурожаат қилишингизни сўраймиз.
Телефонлар: (99871) 140-06-80 (81). Факс: (99871) 140-06-82.
E-mail: timur.buzrukov@gfaids.uz

Ташкилотлар ва хусусий тадбиркорлар диққатига!
Тижорат таклифи сўровномалари ҳамда маҳсулот ва хизматлар сотиб олиш бўйича савдолар ҳақидаги эълонлар БМТ Ривожланиш дастурининг қуйидаги электрон манзилида доимий равишда чоп этилади: http://www.undp.uz/ru/procurement/

"Росагропромснаб" МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5^3 в/ч дан 500^3 в/ч гача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари

Маҳсулот сертификатланган.
Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.
Манзил: Тошкент ш., «Чилонзор» мавзеси, Ц-даҳаси, 6-уй.
Мўлжал — «Шуҳрат» дўкони жойлашган чорраҳа.

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ТАСАРУФФИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН САНЪАТ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ

2009-2010 ўқув йилига 2002 йилда туғилган иқтидорли ўғил ва қиз болаларни
ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МУСИҚА БЎЛИМЛАРИГА
танлов асосида ўқишга қабул қилади.

Қолган синфларнинг бўш ўринларига мутахассислиги бўйича қобилиятли ўқувчиларни танлов асосида қабул қилади.

Аризалар 2009 йил 1 майдан 29 майгача қабул қилинади.
Қабул имтиҳонлари 30 майдан бошланади.

Манзилимиз: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-даҳа, 1-«А» уй.
Автобуслар: 2, 8, 33, 41, 77, 87, 182, 141. Йўналишли такси: 14, 15, 21, 22.
Телефонлар: 274-92-21, 274-96-45, 274-96-44.

Товар сертифицирован INTEGRAL ASIA
Официальный дистрибьютор на территории Республики Узбекистан DELL

... от карманных компьютеров до серверов...



3 года полной гарантии !!! Технологии, обеспечивающие уверенность
Тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28. Факс 120-30-26.

ШПАТЛЁВКА
OLIY SIFATLI
Қалбакисидан эҳтиёт бўлинг!
AzKO KANOLAR
Тел.: +(99897) 718-78-73.
Факс: +(99871) 277-96-38.
Тошкент ш., Чилонзор к., 1-«Б» уй.
Мўлжал — «Ўзбекфильм» к/с.
Тсн 64-15207340-01:2007
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Тез пул ўтказиш» хизмати Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!
ТЕЛ.: 237-21-93, 237-16-24. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуида эркин ва юнон-рум кураши бўйича "Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги" халқаро турнирининг дастлабки олтин медали ҳамюртимиз Элдор Ҳафизовга насиб қилди.

ЭЛДОР — ЧЕМПИОН!

Юнон-рум кураши бўйича эллик беш килограмм вазн тоифасида саралаш беллашувларини муваффақиятли якунлаган икки нафар курашчимиз — Элдор Ҳафизов ва Санжар Жумашев чемпионлик учун финал баҳсида ўзаро куч синашди. Унда Э. Ҳафизов баҳсни ўз фойдасига ҳал қилди.

— "Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги" халқаро турнирида олтин медални қўлга киритганимдан бахтиёрман, — дейди Элдор. — Кўплаб мамлакатлардан энг кучли курашчилар иштирок этаётгани боис беллашувлар кескин ва муросасиз ўтмоқда. Бундан кейин ҳам халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга ҳаракат қиламан.

Ушбу вазн тоифасида кумуш медаль С. Жумашевга топширилган бўлса, қирғизистонлик Қ. Йўлчибеков ҳамда озарбойжонлик Д. Сулаймонов бронза медаль билан тақдирланди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.

«Умид ниҳоллари» деб ном олган, ўқувчи ёшларни чиниқтириб, иродасини тоблайдиган бу кескин спорт мусобақалари униб-ўсиб келаётган сиз, ёш авлодимизни Ватанни ҳимоя қилишга, уни улуғлаш, қудратига қудрат қўшишга, халқаро майдонларда унинг обрў ва нуфузини янада юксалтиришга қодир бўлган инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз».

Ислом КАРИМОВ.

ХОЛИСЛИК, САЛОМАТЛИК ВА ДЎСТЛИК

«Умид ниҳоллари» мусобақаларининг бош мезонидир

Иродаси мустаҳкам, беллашувларда чиниққан ёшларни тарбиялаш масаласига юртимизда устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилади. Шу мақсадда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли тизим — умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган "Умид ниҳоллари", академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг "Баркамол авлод" ва олий ўқув юртлари талабалари ўртасида уюштириладиган "Универсиада" спорт мусобақалари ёшларни узлуксиз спортга жалб қилишда муҳим аҳамият касб этаётир. Эътиборлиси, бу тадбирларга мамлакатимизнинг барча ёшлари жалб қилинади. Жаҳоннинг ҳеч бир ерида учрамайдиган бундай тизим бугун халқаро миқёсда ҳам алоҳида эътироф этилиб, катта қизиқиш билан ўрганилмоқдаки, биз бундан ўзгача ғурур ва ифтихор ҳиссини туямиз.

Мазкур оммавий спорт ҳаракатининг биринчи босқичи — "Умид ниҳоллари" мусобақасининг бу галги республика босқичига шу йил май ойида Сирдарё вилояти мезбонлик қилишидан яхши хабардорсиз. Катта спорт байрамини юқори даражада ўтказиш учун бу ерда қизғин ҳозирлик кўрилаётир. Бугун вилоятда байрам руҳи сезилиб турибди. Жумладан, Гулистон шаҳри кўчалари "Умид ниҳоллари — 2009" спорт ўйинлари рамзлари акс этган паннолар билан безатилган. Катта йўл ёқаларида ана шу мусобақалар номи ифода этилган ажиб гулзорлар, ранг-баранг нақшли мозаикалар кўнгилларга ёруғ туйғулар бахш этади. Ҳафтанинг дам олиш кунлари вилоят аҳли ҳашар уюштириб, хайрли тадбирга ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилмоқда.

Қурилиш объектларининг аксариятида сўнгги таъмирлаш-пардозлаш ишлари олиб борилаяпти. Айни пайтда улар зарур спорт жиҳозлари билан босқичма-босқич таъминланмоқда. Хусусан, мусобақалар муносабати билан Гулистон шаҳрида иккита IV ТИП ва I ТИП шаклидаги янги болалар спорт мажмуалари қад ростлаётир.

Биргина IV ТИП болалар спорт мажмуасини қуриш учун 2 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган. Мажмуада замонавий сузиш ҳавзаси, ёпиқ спорт зали мавжуд. Шунингдек, Гулистон давлат университетидаги талабалар турaржойи, ошхона, спорт зали, Гулистон 1 ва 2-педагогика коллежи, компьютер ва ахборот технологиялари ҳамда тиббиёт коллежи, Гулистон 1-академик лицейи, "Динамо" спорт зали, "Алпомиш" спорт мажмуаси (теннис корти)да ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари ниҳоясига етиш арафасида.

Тараддуд

"Умид ниҳоллари — 2009" спорт ўйинларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросими бўлиб ўтадиган Гулистон шаҳридаги марказий стадион тўлиқ қайта реконструкция қилинди. Ушбу стадион 20 минг томошабинга мўлжалланган. Унинг таркибида конференция зали, ўйинчилар, мураббийлар ва ҳакамлар хоналари мавжуд. Бундан ташқари, иштирокчиларни мусобақалар ўтадиган манзилларга етказиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг учун 80 та «Isuzu» автобуси, 15 та «Istana» микроавтобуси ва 5 та «Nexia» автомобили ҳозирлаб қўйилди.

— Айни кунларда "Умид ниҳоллари — 2009" мусобақаларининг вилоят босқичлари ниҳоясига етди, — дейди Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси оммавий спорт тадбирларини ташкиллаштириш бўлими бошлиғи Анвар Мурсакулов. — Ушбу босқичда 457 минг 632 нафар ўқувчи спортнинг 12 тури бўйича ўзаро беллашди. Энди улар орасидан саралаб олинган 1792 нафар ўқувчи республика босқичида медаллар учун курашни давом эттиради.

"Умид ниҳоллари — 2009" спорт ўйинларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросими бўлиб ўтадиган Гулистон шаҳридаги марказий стадион тўлиқ қайта реконструкция қилинди. Ушбу стадион 20 минг томошабинга мўлжалланган. Унинг таркибида конференция зали, ўйинчилар, мураббийлар ва ҳакамлар хоналари мавжуд. Бундан ташқари, иштирокчиларни мусобақалар ўтадиган манзилларга етказиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг учун 80 та «Isuzu» автобуси, 15 та «Istana» микроавтобуси ва 5 та «Nexia» автомобили ҳозирлаб қўйилди.

— Айни кунларда "Умид ниҳоллари — 2009" мусобақаларининг вилоят босқичлари ниҳоясига етди, — дейди Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси оммавий спорт тадбирларини ташкиллаштириш бўлими бошлиғи Анвар Мурсакулов. — Ушбу босқичда 457 минг 632 нафар ўқувчи спортнинг 12 тури бўйича ўзаро беллашди. Энди улар орасидан саралаб олинган 1792 нафар ўқувчи республика босқичида медаллар учун курашни давом эттиради.

"Умид ниҳоллари — 2009" спорт ўйинларининг бош мезони бўлиб қолади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

ФАН ВА ТЕХНИКА

янгиликлари

Республика Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти олимлари саноат чиқиндисидан импорт ўрнини босувчи қоплама олиш технологиясини яратдилар.

Чиқиндидан маҳсулот

Арзон ва қулай бўлган қопламалар кислотага бардошли эканлиги боис кон-металлургия, лак-бўёқ, нефть-газ, кимё, целлюлоза-қоғоз ва бошқа саноат тармоқларида ҳамда ҳар хил ноорганик ва органик моддаларни ташишда қўл келади.

Маҳсулот айни пайтда Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг эритиш заводида саноат синовидан ўтказилмоқда.

Лазер арра

Сўнгги вақтларда саноатда қаттиқ жисмларга юқори аниқликда ишлов бериш ва кесишда лазер аррадан фойдаланилмоқда.

Унинг афзаллиги шундаки, жисм ғоят текис кесилиб, қўшимча ишлов талаб этилмайди. Катта зичлик қуввати материалнинг юзида концентрацияланиши туфайли кесиш, пайвандлаш ва тоблаш сингари технологик жараёнларни олиб боришга имкон яратилади.

Лазерда ишлов бериш натижасида камуглеродли пўлатнинг микроқаттиқлиги 2,5, асбобсозликда қўлланиладиган пўлатнинг мустаҳкамлиги эса 3 марта ошади. Ушбу технология Янгийўлдаги пахта тозалаш корхонасида синовдан ўтказилиб, ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

Саноатбоп қоплама

Тошкент кимё технологияси институти томонидан шиша ва ситаллар олиш технологияси ишлаб чиқилди.

Янги технология кимё саноати, кончилик, қурилиш ва бошқа соҳаларда ускуналар қопламасида, бардошли буюмлар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Ўзининг арзон ва рақобатбардошлиги билан ажралиб турадиган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар кимёвий ва механик эксплуатация харажатларини кескин қисқартиради.

Сарф-харажат камаяди

Республика Фанлар академиясининг Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти олимлари нефть ва газ қазиб олиш корхоналарида фойдаланиладиган газлифт ускунасини жорий этиш устида иш олиб бормоқдалар.

Эътиборли томони шундаки, мазкур ускуна нефтнинг беҳуда сарфини камайтириш, нефть қудуқларининг фавворали ишлаш даврини ошириш хусусиятига эга.

Ушбу ускуна сабаб, нефть қудуқларидан олиб чиқилаётган газ сарфи йўқотилиши 30 фоизгача камайиб, қудуқларнинг фавворали ишлаш даври 1,5-2 йилгача узаяди.

О. ПАРПИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИ

Тадбиркорларнинг мавжуд муаммолари тўғрисидаги мурожаатларини қабул қилиш, уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»

ҳамда тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ва уларнинг вакиллари билан мулоқот қилиш кунлари* ҳақида маълумот.

Манзил	Ишонч телефонлари**
Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур кўчаси, 3-уй	8-371-244-29-97
Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими, Нукус шаҳри, Досназаров кўчаси, 62-уй	8-361-223-35-12
Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Яккасарой кўчаси, 5-уй	8-371-253-01-51
Тошкент вилояти ҳудудий бўлими, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ўзбекистон кўчаси, 16-уй	8-371-239-40-09
Андижон вилояти ҳудудий бўлими, Андижон шаҳри, Амир Темур кўчаси	8-374-224-17-23
Бухоро вилояти ҳудудий бўлими, Бухоро шаҳри, Шредер кўчаси, 1-уй	8-365-225-08-39
Жиззах вилояти ҳудудий бўлими, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-«А» уй	8-372-223-28-44
Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлими, Қарши шаҳри, Ғузор кўчаси, 12-уй	8-375-227-00-72
Навоий вилояти ҳудудий бўлими, Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 5-уй	8-436-224-68-91
Наманган вилояти ҳудудий бўлими, Наманган шаҳри, Н. Намангоний кўчаси, 20-уй	8-369-226-55-44
Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй	8-366-233-31-38
Сирдарё вилояти ҳудудий бўлими, Гулистон шаҳри, Навоий кўчаси, 64-уй	8-367-225-24-26
Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлими, Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 42-«А» уй	8-376-223-21-71
Фарғона вилояти ҳудудий бўлими, Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 52-уй	8-373-224-53-81
Хоразм вилояти ҳудудий бўлими, Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 62-уй	8-362-225-47-52

* *Тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ва уларнинг вакиллари душанбадан шанбагача ҳар куни соат 16.00 дан бошлаб агентлик бошлиғи ва бошлиқ ўринбосарлари томонидан мулоқот учун қабул қилинади.*

** *«Ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилган шахс исм-шарифининг сир сақланиши кафолатланади.*

3828/857

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

РИЗҚ-РЎЗИМИЗ БУНЁДКОРЛАРИ

Наманган шаҳри аҳолисини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлашда "Мўъжиза-Н" масъулияти чекланган жамиятининг хизмати катта. Ушбу корхонада модернизациялаш тадбирлари амалга оширилгандан сўнг ишлаб чиқариш қуввати ортиб, меҳнат унумдорлиги янада кўтарилди.

Айни чоғда корхона жамоасини беш юзга яқин киши ташкил этяпти. Уларнинг юз нафардан ортиғи модернизациялаш натижасида яратилган янги иш ўринларида меҳнат қилишяпти. Қайта жиҳозлаш жараёнида ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида ўрнатилган технологик воситаларнинг асосий қисми замонавийлари билан алмаштирилди. Масалан, хамир қориш ва зувала қилиш цехида илгари 70 киши меҳнат қилиб, барча юмушлар қўл кучи билан бажариларди. Украинадан келтирилган махсус линияни эса ўн киши бошқаряпти. Маҳсулотни саралаш, юклаш билан боғлиқ тадбирлар ҳам техника зиммасига юклатилди. Янгиликлар жорий этилиши натижасида бўшаб қолган хизматчилар қўшимча равишда ишга туширилаётган макарон ва қандолат маҳсулотлари тайёрлаш цехларига жалб этиладиган бўлди.

Модернизация

— Ишлаб чиқаришни модернизациялаш баробарида асосий бино ҳам реконструкциядан чиқарилди, — дейди жамият бош директори Носирхон Бойдадаев. — Уни безашда евроандозадаги енгил пластик қурилиш ашёларидан фойдаланилди.

Модернизациялаш лойиҳасининг рўёбга чиқарилиши ўз самарасини бермоқда. "Мўъжиза-Н"да жорий йилнинг ўтган биринчи чораги давомида 3390 тонна ёки бир миллиард 701 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан юз тонна кўп, демакдир.

— Инсон омилига эътибор берилган жойда иш олға босавераді, — дейди нон цехи ишчиси Нигора Исомиддинова. — Зарур жиҳозлар билан таъминланган маиший-гигиеник хоналарга кишининг ҳаваси келади. Уларда мириқиб ҳордиқ чиқариш, бўш вақтни мазмунли ўтказиш учун етарли шароит яратилган.

Ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш — давр талаби. "Мўъжиза-Н"нинг меҳнат жамоаси ва ички инвесторлар ғайрати билан маҳсулот тайёрлашни тўхтатмаган ҳолда амалга оширилган мазкур тадбир самараси янада ортиб бориши, табиий.

Кудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. [t]

ОБ-ҲАВО

(16 апрель)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси ва эрталаб айрим жойларга туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5 даража илиқ, кундузи 11-16 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Тунда 1-6 даража илиқ, кундузи 11-16 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, кечаси ёмғир ёғиб, баъзи жойларда қорга айланиши мумкин. Кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 1-6 даража илиқ, кундузи 11-16 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёмғир ёғиб, айрим жойларда қорга айланиши кутилмоқда. Ҳарорат кечаси 1-6 даража илиқ, кундузи 11-16 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 2-7 даража илиқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёмғир ёғади, баъзи жойларда қорга айланиши мумкин. Тунда 1-6, кундузи 9-14 даража илиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади, қорга айланиши эҳтимоли бор. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-2 даража илиқ, кундузи 11-13 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти жамоаси атоқли шарқшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Райҳон Беруний мукофоти соҳиби, тарих фанлари доктори **Асомиддин ЎРИНБОЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана" газетаси ижрочи муҳаррири Ибодат Соатовага волидаи муҳтарамаси **ТЎХТАХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши жамоаси Марказий Кенгаш раиси ўринбосари Одинахон Жамолдиновага отаси **Расулжон ЖАМОЛДИНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Хоффманн-Ля Рош" Швейцария фармацевтика компаниясининг ваколатхонаси жамоаси ваколатхона ходимлари Г. Козимова ва Г. Саримсоқовага оталари **Воҳид Охунович КОЗИМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ 1992-2008 йилларда чиқарилган Ўзбекистоннинг мавзули ва йиллик почта маркалари, блок ва кичик варақларни, клиссер ва буклетларга жойлаштирилган марка тўпламларини тақдим этади. ТЕЛ. 233-70-33. ФАКС 236-36-48. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 46280 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 22.00 7